O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ZARBDOR TUMANI
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ЗАРБДАРСКОГО РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Manzil: 130600. Zarbdor sh.Mustaqillik shox ko'chasi. zarbdor.t@exat.uz Tel: (8-372) 492-22-46. Faks (8-372) 492-24-95

2020 yil «7» октябрь № 734 Zarbdor shaharchasi

Зарбдор тумани адлия бўлимининг норма ижодкорлиги соҳасида туман ҳокимлиги, давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлиги тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3666-сон қарори ижросини таъминлаш ва норма ижодкорлигини амалга оширишнинг қонунийлигини таъминлашда туман адлия бўлими фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ҳокимликнинг юридик хизмати томонидан норматив тусдаги маҳаллий давлат ҳокимияти қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг амалдаги тартибига оғишмай амал қилинсин.

2. Зарбдор тумани адлия бўлими томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда туман ҳокимлиги норма ижодкорлиги фаолияти бўйича ўтказиладиган мониторинг бўйича ҳокимлик томонидан мониторинг доирасидаги ҳужжатлар адлия бўлимига тақдим этилсин ва мониторинг ўтказилиши учун тегишли шароитлар яратилсин.

3. Туман давлат органлари ва ташкилотлари ҳар чорак якуни бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 5 санасига қадар тумандаги мавжуд соҳаларга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича туман адлия бўлимига таклифлар киритиб борсин.

4. Ҳокимлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низомнинг 12-банди 5) кичик бандида назарда тутилган ва туман адлия бўлими

томонидан киритилган тақдимномалар ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажаралиши таъминлансин.

5. Туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари Ж.Хўжамқуловга мазкур қарор “Zarbdor” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (Р. Анкаев) зиммасига юклансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI ZARBDOR TUMANI HOKIMLIGI UMUMIY BO'LIM №1

Туман ҳокими **З.Рузиев**